

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ҚҮМИТАСИ РАЙСИ ЎРИНБОСАРИ



И.БОҚИЖНОВ

« 22 » ноябрь 2021й.

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ УЧУН СЎРОВ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МАИШИЙ
ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ЛОЙИХАСИ

Лойиха (тендер) номи:

«Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида каттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, олиб
чикиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик (ДХШ)
шартлари асосида бошқариш»

ДХШ обьектининг жойлашуви:

Самарқанд вилояти Нуробод тумани

Тендер ташкилотчиси:

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
Давлат қўмитаси

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй 100043
тел: (99871) 207-07-70 (1072#)

Тошкент ш. - 2021 йил октябрь

1. Асосий тушунчалар

1. Маший чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси учун мазкур тендер хужжатларида куйидаги тушунчалар қўлланилади:
- 1) **Давлат-хусусий шериклик** (кейинги ўринларида - ДХШ) – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган хамкорлиги;
 - 2) **ДХШ лойиҳаси** - давлат-хусусий шерикликка асосланган маший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳаси;
 - 3) **ДХШ лойиҳасининг концепцияси** – давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, ДХШ лойиҳасини амалга оширишни хал этишга доир танловни асослаб берадиган, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини тъминлаш механизмларини ўз ичига олган хужжат;
 - 4) **ДХШ обьекти** – қаттиқ маший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ шартлари асосида амалга ошириладиган маший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма;
 - 5) **давлат шериги** – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги (кейинги ўринларида – давлат шериги);
 - 6) **тендер** - ДХШ лойиҳаси доирасида соддалаштирилган ракобат тартибларидан фойдаланиб хусусий шерикни танлаш бўйича очик тендер;
 - 7) **тендер таклифларнинг сўрови ёки тендер хужжатлари** – ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказиши тартибга солувчи тендер хужжатлари;
 - 8) **тендер ташкилотчиси** - Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
 - 9) **тендер комиссия** - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган маший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссияси;
 - 10) **мезонлар** – давлат-хусусий шериклик асосида маший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳасининг тендер хужжатларида белгиланган тендер ғолибларни танлаш мезонлари;
 - 11) **битим** – тендер ташкилотчиси томонидан тендер комиссия қарори асосида тендер ғолиби билан тузиладиган ДХШ асосида маший чиқиндиларни бошқариш тўғрисидаги битим;
 - 12) **лоихани баҳолаш ҳужжати** (кейинги ўринларида – ЛБХ) – лоиханинг қийматини ва молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда асосланган энг мақбул техник-технологик ва лоихани амалга ошириш бўйича ташкилий қарорни қабул қилишни асословчи лоиха ҳужжати;
 - 13) **талабгор** – ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича қизиқиш билдирган, тендерда иштирок этиш учун дастлабки малака ҳужжатларни ва тендер таклифларни тақдим этган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки бир нечта тадбиркор ва юридик шахс иштирокида тузилган консорциум (оддий шерикчилик);
 - 14) **тендер ғолиби** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер жараёни якунлари бўйича ДХШ тўғрисида битим тузиш учун танланган талабгор (хусусий шерик);

15) **захирадаги ғолиб** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифи деб эътироф этилган талабгор (хусусий шерик).

2. Тендер хужжатларида қўйидаги кисқартмалар қўлланилади:

- 1) **Агентлик** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги;
- 2) **Қонун** - Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги 537-сонли "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни (кейинги ўринларида – Қонун);
- 3) **Низом** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" қарорига мувофиқ тасдиқланган "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом" (кейинги ўринларида – Низом).

2. Умумий қоидалар

3. Мазкур тендер таклифларини тақдим этиш учун сўров, яъни тендер хужжатлари Қонун ва Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

4. Маиший чиқиндилиарни бошқариш соҳасидаги ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш хукуқига эга бўлиш учун хусусий шерикни танлаш учун мазкур тендер хужжатлари потенциал хусусий тадбиркорларга тендерда иштирок этиш шартлари, тартиб ва талаблари ҳакида тўлиқ маълумот бериш учун мўлжалланган.

5. Ушбу тендер хужжатлари тўплами умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказиш мақсадида ҳамда умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказиш мақсадида қўлланилади.

6. Бир босқичли тендерни ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг тендер хужжатларида кўрсатилган концептуал қарорлар ва шартлар асосида техникавий ва молиявий таклифларни қамраб олган батафсил бизнес-режа кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади. Тендерни ташкил этиш жараёнида талабгорлар билан тендер параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади.

7. Икки босқичли тендер қўйидаги тартибда ўтказилади: а) биринчи босқичда талабгорларнинг малака хужжатлари кўриб чиқилади ва белгиланган малака мезонларига мослиги баҳоланади. Биринчи босқичдан муваффакиятли ўтиш учун талабгорлар камидаги 60 (олтмиш) балл тўплаш лозим. Талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади; б) иккинчи босқичда киритилган техникавий ва молиявий таклифлар тендер предметининг аниқлаштирилган параметрлари хисобга олинган, нархлар (тариф) албатта кўрсатилган ҳолда кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

8. Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер таклифларини тендер талабларига номунофиқ деб топган тақдирда ёки икки босқичли тендерда дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларнинг сони икки нафардан кам бўлса, тендер бўлиб ўтмаган деб топилади ва тендер комиссияси тақорорий тендерни эълон қилишга ҳакли. Тақорорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

9. ДХШ лойиҳасини концепцияси тендер хужжатларининг **1-иловасида** келтирилган.

3. Тендер комиссияси

10. Давлат шериги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси билан қелишувга кўра давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуки бўйича тендер ғолибини аниглаш учун тендер комиссиясини шакллантиради (Конуннинг 24-моддаси).

11. Тендер комиссиянинг асосий вазифалари:

- 1) тендер ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- 2) зарур ҳолларда тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш;
- 3) потенциал талабгорлар томонидан тендер таклифларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек уларнинг тендер ҳужжатларида акс этирилган барча талабларига мувофиқлигини аниглаш;
- 4) тендер таклифларини баҳолаш натижаларни тасдиқлаш, тендер ғолибини ва заҳирадаги ғолибини аниглаш;
- 5) давлат шериги ва ваколатли давлат органи томонидан зарур ҳолларда тендер ғолиби билан музокаралар ўтказиши.

12. Ўз вазифаларига мувофиқ тендер комиссия куйидаги ҳукуқларга эга:

- 1) манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари вакилларини комиссия мажлислининг тақлиф этиши ва уларни комиссия ваколатига кирувчи масалалар бўйича тинглаш;
- 2) ДХШ лойихасининг муаммоли масалаларини таҳлил қилиш ва ўрганиш учун зарур бўлган мутахассислар, экспертлар ва олимларни жалб қилиш;
- 3) конун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ва бошка ташкилотлардан комиссия вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган материалларни сўраб олиш ва қабул қилиш.

13. Давлат шеригининг вакили тендер комиссияси раисидир. Ваколатли давлат органининг вакили тендер комиссияси таркибидан маслаҳат овози билан иштирок этади.

14. Раис бўлмаган пайтида Комиссия раиси ўринбосари раис вазифасини унинг номидан бажаради.

15. Тендер комиссияси таркибига давлат шеригининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ва ваколатли давлат органининг вакиллари мажбурий тартибда киритилади. Комиссия тоқ сонли аъзолардан иборат.

16. Комиссия мажлислари зарур ҳолларда ўтказилиб, унинг аъзолари умумий сонининг камиди етмиш беш фоизи иштирокида ваколатли ҳисобланади, тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси эса бир овозга эга.

17. Комиссия аъзолари алоҳида фикирга эга бўлиш ҳукуқига эга, агар у билдирилган бўлса, ёзма равишда баён этилиши ва комиссия баённомасига илова қилиниши керак.

18. Комиссияни карорлари тендер комиссиясининг овоз берган аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

19. Тендер комиссияси ўз мажлисларининг баённомаларини юритади, баённомалар унинг мажлисларда ҳозир бўлган барча аъзолари томонидан имзоланади.

20. Тендер комиссияси аъзосида мажлисга чиқарилган масалалар юзасидан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у ўз номзодини қайтариб олишини билдириши ва ушбу масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

21. Комиссиянинг тендер таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун ишчи органи ташкил киласи. Комиссия ишчи органи ўз фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан қўллаб кувватлайди.

22. Комиссия йиғилиши якунлари бўйича ишчи орган манбаатдор томонларни кўриб чиқиши натижалари тўғрисида хабардор киласди.

23. Комиссия котиби тендер ташкилотчисининг вакили бўлиб, комиссия мажлисининг кун тартибига зарур ҳужжат ва маълумотларни тайёрлайди ва мажлис баённомасини тўзади.

24. Тендер комиссияси тендер ғолиби ва захирадаги ғолиб тўғрисидаги ахборотни давлат шериги ҳамда ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон киласди.

4. Тендер ҳужжатларнинг таркиби

25. Майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқига эга бўладиган хусусий шерикни танлаш учун тендер ҳужжатларида куйидагилар акс эттирилган:

- 1) тендер ҳужжатлари бўйича тушинтириш, ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш;
- 2) тендер таклифини тайёрлаш ва тақдим қилиш талаблари;
- 3) тендер таклифига доир таъминот киритиш шартлари;
- 4) тендер таклифини амал қилиш муддати;
- 5) тендер таклифлари солинган конвертларни очиш тартиб-таомиллари, жойи, санаси ва вақти
- 6) тендерда иштирок этиш билан боғлик чекловлар;
- 7) тендер таклифларни очиш, кўриб чиқиши ва баҳолаш;
- 8) тендер ғолиби билан ДХШ тўғрисида битим тузиш;
- 9) илова 1 – ДХШ лойихасини концепцияси;
- 10) илова 2 – Тендер таклифнинг шакиллари;
- 11) илова 3 – Танлов мезонлари ва баҳолаш шартлари;
- 12) илова 4 – ДХШ тўғрисидаги битим лойихаси.

26. Ушбу тендер ҳужжатлари ўзбек тилида тайёрланган. Тендер таклифи ва у билан боғлик бўлган барча ҳужжатлар, талабгор ва тендер ташкилотчиси орасида бўлган хатлар ва мурожаатлар ўзбек тилида бўлиши лозим. Талабгорга тегишли айрим ҳужжатлар бошка тилда бўлса, уни ўзбекча таржимаси тендер таклифига илова қилиниши керак. Ҳужжат тўғрисидаги маълумотларни шархлаш бўйича келишмовчиликлар юзага келса, давлат тилида ҳужжатлар устуворлик қиласди.

27. Тендер эълон қилингандан сўнг унда иштирок этиш истаги мавжуд талабгорлар тендер ҳужжатларини харид қиласди, улар тўлов асосида ҳар бир талабгорга берилади. Тендер ҳужжатини олиш учун тўлов миқдори тендер комиссияси томонидан белгиланади. Тендер ташкилотчи томонидан талабгорлардан ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча тўлов талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

28. Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўлов миқдори тўлангандан кейин тендер ташкилотчиси маҳсус яратилган интернет-ресурс (веб-портал) ёки бошка электрон воситалар орқали талабгорларга тендер ҳужжатларининг нусхасини тақдим этади. Қоғоз шакилда тақдим этилганда, асл нусхадан нусха шаклида тақдим этилади.

29. Тендер ҳужжатларида назарда тутилган ДХШ обьектининг техник кўрсаткичлари тендер таклифларни тайёрлаш ва топширишда потенциал талабгорлар учун мажбурийдир.

30. Тендер ҳужжатларида ва тендер савдоларини ўтказишда назарда тутилган шартлар ва шартлар билан боғлиқ низолар қонун талабларига мувофиқ музокаралар йўли билан ҳал этилади. Акс ҳолда томонлар судда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ низони ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

5. Тендер хужжатлари буйича тушинтириш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши

31. Тендер хужжатларини олган талабгорлар, тендер ташкилотчисига тендер хужжатлари таркиби ва маъноси буйича тушинтириш бериш мақсадида мурожаат қилиши мумкин, аммо эълонда кўрсатилган тендер таклифларини тақдим этиш охирги муддатидан ўн календарь кундан кечиктирилмаган холда.

32. Тендер хужжатлари юзасидан тушунтириш олиш учун талабгорлар қуидаги манзилга ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилиши лозим: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-йи, телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#), 2 кават.**

33. Тендер ташкилотчиси талабгорни тушунтириш сўровини рўйхатга олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнода барча талабгорга жавоб юборади.

34. Давлат шериги ваколатли давлат органи билан келишувга кўра тендер хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишига ҳақлидир. Давлат шериги тендер хужжатларига ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиши тўғрисида карор қабул қилинган кундан эътиборан беш календарь кундан кечиктирмай барча талабгорларни тендер хужжатларига киритилган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар хақида хабардор қилиши шарт. Бунда тендер таклифларидаги ушбу ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар талабгорлар томонидан хисобга олиниши учун давлат шериги эълонда кўрсатилган тендер таклифларини тақдим этишнинг охирги муддатини ўн беш календарь кундан кам бўлмаган муддатга узайтиради.

6. Тендер таклифини тайерлаш ва тақдим қилиш талаблари

35. Тендерда иштирок этиш учун талабгорлар тендер хужжатлари талабларига мувофиқ тайёрланган тендер таклифини **қоғоз шаклида битта асли нусхада, битта нусхада, ҳамда электрон қўринишда “PDF” форматда** (USB флешка ёки компакт дискда) тендер ташкилотчисига тақдим этади.

36. Талабгор тендер хужжатларининг **1-илювасида** келтирилган ДХШ лойихасини концепциясига асосланган холда молиявий-иктисодий модел, яъни «Бизнес-режами» ишлаб чиқиши керак ва тендер таклифини таркибида тақдим қилиш лозим. Бизнес-режа камидаги маълумотларни қамраб олиши шарт:

1) Техникавий таклиф (кисм):

- Ташаббус кўрсатилган инвестиция дастури доирасида:
 - инвестиция дастурнинг амалга ошириш вакти;
 - иктиносидий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни хал этишга қаратилиши;
 - илгор бошкарув тажрибаси жорий этиш назарда тутилиши;
 - инновацион ёндашувни ўз ичига олганлиги ва тарафлар учун мақбул бўлиши;
 - автоматлаштирилган электрон хисоб-китоблар ва хисоботларни жорий этилиши;
 - бошқа инвестиция дастурига оид бўлган муҳим технологик масалалар ечимлари.

2) Молиявий таклиф (кисм):

- ДХШ лойихасини амалга ошириш билан бевосита боғлик бўлган капитал кўйилмалар ва жалб этиладиган қарз ва хусусий маблағлар ҳажми;
- ДХШ лойихасини амалга ошириш билан бевосита боғлик бўлган эксплуатация ва умумий харажатлар, ва уларни тақсимоти;
- ДХШ лойихасини даромад манбалари;

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНГ ТАҚДИМ ЭТИЛУ УЧУН СҮРОВ (2021 йил август)
ДХШ асосида манзили чиқиндижарни бошкариши лойихаси

- кўрсатиладиган хизматлар учун кўзда тутилган тарифлар ва бошқа нарх-наволар;
- бошқа инвестиция дастурига оид бўлган муҳим молиявий масалалар ечимлари.

Бизнес-режага асосланган ҳолда, талабгорлар тендер хужжатларининг 2-иловасида кўрсатилган шаклларни тўлдиради ва тендер таклифини таркибида тақдим қиласи.

37. Бизнес-режа бўйича барча ҳаражатлар, даромадлар, нарх-наво ва тарифлар, бошқа молиявий-иктисодий кўрсаткичлар ва хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида (сўмда) хисобланади.

38. Тендер таклиф хужжатлари (тендер аризаси, бизнес-режа, тўлдирилган тендер шакллар ва бошқа хужжатлар) боғланган ҳолда, ҳар бир вараги рақамланган ва қўл кўйилган ҳолда, охирги варак эса талабгорнинг раҳбари ёки ваколатли шахс имзоси ва корхона мухр билан тасдиқланган ҳолда, муҳирланган конвертда тақдим қилинади.

39. Конвертда қуидаги маълумотлар бўлиши керак:

1) Талабгорни тўлик юридик номи ва поча манзили (агар талабгор консорциум шаклида иштирок этаетган бўлса, консорциумнинг тўлик номи ва етакчи шерикнинг поча манзили);

2) Тендер ташкилотчисининг тўлик номи ва поча манзили, яъни: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиши Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ қўчаси 7а-уй.**

3) ДХШ лойихасини (тендерни) номи: «**Самарқанд вилояти Нуробод туманида қаттиқ майший чиқиндижарни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш**».

40. Тендер таклиф хужжатлари талабгорларнинг раҳбари, таъсисчиси ёки ваколатли шахснинг томонидан тендер ташкилотчисининг қўлига ёки буюртма поча орқали тақдим этилади.

41. Тендер ташкилотчиси тендер хужжатларида белгиланган охирги муддатгача тендер таклифларни рўйхатга киритилган ҳолда қабул қиласи.

42. Тендер ташкилотчиси:

1) Талабгорлар номидан тендер таклифини тақдим этган ишончли вакилнинг ваколатини хужжат билан тасдиқланганлиги текширади;

2) тендер таклифларни белгиланган тартибда расмийлаштирилган конвертларни қабул қиласи ва уларни рўйхатга олади;

3) тендер таклифларини тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган тендер таклифларга ўзгартириш ва қўшимчалар қабул қиласи ва рўйхатга олади;

4) тендер таклифларини тақдим этиш муддатидан олдин бекор килинса, тендер таклифирини қайтарилишини таъминлайди.

43. Талабгорнинг тендер таклиф хужжатлари қуидаги ҳолларда баҳолашдан рад этилади:

1) хусусий шерик тендерда биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этса ёки биттадан ортиқ талабгор таркибида иштирок этса;

2) тендер таклифи тендер хужжатида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ва тулиқ бўлмаса, яъни талабгордан талаб қилинган асосий маълумотлар ва тасдиқловчи хужжатлар тақдим қилинмаган бўлса;

3) тендер таклифи ва (ёки) тендерда иштирок этиш учун таъминоти тақдим этиш охирги муддатидан кечиктирилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

44. Белгиланган охирги муддат тугагандан сўнг тақдим этилган тендер таклифлар рўйхатдан ўтказилмайди, очилмайди ва конвертда кўрсатилган талабгорнинг поча манзилига ёки талабгорнинг ваколатли шахсига қайтарилади.

7. Тендер таклифини таъминот шартлари

45. Тендер таклифини таъминот қуйидаги ҳолатларни олдиндан олиш учун талабгор томонидан кафолат сифатида тақдим этилади:

1) тендер таклифи очилгандан сўнг ўз таклифини бекор қилиш, ўзгартириш ва (ёки) қўшимча қилиш;

2) агар талабгор тендер ғолиби деб аникланган бўлса, битим тузишдан ва тендерни бошқа муҳим шартларини бажаришдан бош тортиш.

46. Тендерда иштирок этиш учун тендер таклифини таъминоти **30.000.000,00 (ўттиз миллион) сўм** миқдорни ташкил қиласи.

47. Талабгор тендер таклифини таъминоти учун қуйидаги таъминот турларини бирини танлайди ва тендер таклифи билан қуйидаги хужжатлардан бирини асл нусҳада тақдим киласи:

1) тендер ташкилотчисининг ҳисоб ракамига ўтказиладиган кафолат тўлови. Бунда талабгор 30.000.000,00 сўм тендер ташкилотчисининг (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги х/р: 2340 2000 3001 0000 1010, Тошкент ш. Марказий банки ИИКМ, МФО 00014, ШХВ: 4001 1086 0262 9470 5610 0144 001, СТИР 200 936 593) ҳисоб рақамига тендер таклифларини тақдим этиш муддати тугагунига қадар ўтказилган тулов хужжати;

2) тендер ташкилотчининг номига берилган банк кафолати (намунаси **2-иловада**);

3) тендер ташкилотчининг номига берилган суғурта полиси.

48. Талабгор учун учинчи шахснинг тендер таклифи тугагунига қадар амалга оширилган кафолат тўлови учун тўлиқ ёки қисман даъво қилиш хуқуқини берувчи ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

49. Тендер ташкилотчисига талабгор томонидан амалга оширилган кафолат тўловидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

1) талабгор тендер таклифини тақдим этиш охирги муддатидан кейин тендер таклифини бекор қиласа, қайтарса, ўзгартирса ва (ёки) қўшимча қиласа;

2) тендер ғолиби деб топилган хусусий шерик, ДХШни битимини тузишдан бош тортса.

Агар ушбу бандда назарда тутилган ҳолатлардан бири содир бўлса, тендер таклифи учун кафолат миқдори тендер ташкилотчининг даромад сифатида кирим килинади.

50. Тендер ташкилотчиси талабгорга қуйидаги ҳолатлардан бири юзага келган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида унинг томонидан тақдим этилган тендер таклифининг кафолатини қайтаради:

1) тендер таклифларни тақдим этиш охирги муддати тугашидан олдин талабгор хохиши билан ўз таклифини қайтариб олиш;

2) тендер натижалари бўйича тендер комиссиясининг протоколини имзолаш (бу хол тендер ғолиби деб аникланган талабгорга нисбатан қўлланилмайди);

3) битим имзоланиб кучга кириши;

4) талабгорни тендер таклифининг амал қилиш муддати тугаши.

8. Тендер таклифининг амал қилиш муддати

51. Тендер таклифини амал қилиш муддати, шу жумладан тендер таклифининг кафолати, тендер таклифлари очилган кундан бошлаб тўқсон календарь кунни ташкил этади.

52. Тендер таклифини амал қилиш муддати тендер таклифини кафолатининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

53. Агар тендер таклифининг амал қилиш муддати тугашидан олдин, давлат шериги ва тендер ғолиби, ДХШ лойихаси ва битим шартлари бўйича музокараларни якунламаган

бўлсалар, тендер комиссия қарорига асосан тендер ғолиби ва захирадаги ғолиб ўз таклифларни ва кафолатларни амал қилиш муддатини ўзайтиради, шу жумладан таклифни таминалайди.

54. Тендер таклифини амал қилиш муддатини ўзайтириш учун ғолиблар тендер ташкилотчисига ёзма равишда хабарнома юборади, унда:

- 1) у томонидан тақдим этилган тендер таклифининг амал қилиш муддатини ўзайтиришга аниқ розилик билдириш;
- 2) тендер таклифининг узайтирилган амал қилиш муддати;
- 3) хабарномани имзоланган санаси;
- 4) ғолибларнинг раҳбари ёки ваколатли шахсларини имзолари ва муҳрлари.

9. Тендер таклифларни тақдим этиш охирги муддатигача ўзгартириш ва қайтариб олиш шартлари

55. Талабгор, ушбу тендер хужжатида кўрсатилган таклифларни тақдим этиш охирги муддатидан олдин:

- 1) тақдим этилган тендер таклиfinи ўзгартириш ва (ёки) қўшимча қилиши мумкин;
- 2) таклифининг кафолатини қайtariш ҳуқуқини йўқотмасдан, таклиfini бекор қилиш ёки қайtariб олиши мумкин.

Тендер таклифларни тақдим этиш охирги муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилмайди.

56. Тендер таклифларнинг ўзгартириш ва қўшимчалари олдинги тендер таклифи қайтарзда расмийлаштирилган бўлса, шундай тайёрланади, муҳрланади ва тақдим этилади. Ташқари конвертда қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) Талабгорни тўлик юридик номи ва поча манзили (агар талабгор консорциум шаклида иштироқ этаетган бўлса, консорциумнинг тўлик номи ва етакчи шерикнинг поча манзили);
- 2) Тендер ташкилотчисининг тўлик номи ва поча манзили, яъни: Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-й.
- 3) Тендер номи: «Самарқанд вилояти Нуробод туманида қаттиқ майший чиқиндишларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш»;
- 4) «Тендер таклиfinинг ўзгартишлари» ёки «Тендер такlifinинг қўшимчалари» белгилар.

57. Агар талабгор тендер таклиfini қайtariб олишга карор қилса, тендер такlifini олиш тўғрисидаги имзоланган ва муҳrланган хабарномани тендер ташкилотчисига юборади.

58. Агар талабгор тендер таклиfларни тақдим этиш охирги муддатидан олдин тендер такlifini қайtariб олса, тендер ташкилотчиси тендер такlifini кафолатини юкорида айтилган хабарнома олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида талабгорга қайtaради.

10. Тендерда иштироқ этиш билан боғлиқ чекловлар

59. Потенциал хусусий шерикни тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, агар:

- 1) ушбу хусусий шерикнинг раҳбарларининг яқин кариндошлари, турмуш ўртоғи ёки кариндошлари ва (ёки) ушбу хусусий шерикнинг ваколатли шахси хусусий шерикни аниклаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга ёки тендер комиссияси ва ташкилотчиси аъзоси булса;

2) баланс қиймати тегишли асосий воситалар қийматининг ўн фоизидан ортиқ бўлган потенциал хусусий шерикнинг мулки мусодара қилинган булса;

3) потенциал хусусий шерик ижро ҳужжатлари бўйича катта мажбуриятларга эга ва мажбурий ижро ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги ваколатли орган томонидан киритилган бўлса;

4) потенциал хусусий шерикнинг молиявий-хўжалик фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатилган булса.

60. Потенциал хусусий шерик ва потенциал хусусий шерикнинг боғлик шахслари хусусий шерикни аниқлаш учун бир хил тендерда иштирок этишга рухсат берилмайди.

61. Потенциал хусусий шериклардан ҳеч бири битта тендерда биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этишга ҳақли эмас.

62. Қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган ёки банкрот босқичида бўлган, мулки ва банкдаги хисоб-ракамлари хатловда бўлган иштирокчиларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган ёки банкрот босқичида бўлган талабгорлар тендер комиссия томонидан тегишли ташкилотлар ва мутасадди органларга сўровномалар юбориш йўли билан аниқланади.

11. Тендер таклифларини очиш, кўриб чиқиш ва баҳолаш

63. Тендер комиссияси талабгорларнинг тендер таклифларни очилиш маросими белгиланган вақтда қуйидаги жойда ўтказилади: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ қўчаси 7а-уй, 2 қават**. Тендер таклифлари солинган конвертлар тендер комиссиянинг оддий кўпчилиги ва йигилишда катнашаётган талабгор вакиллари иштирокида очилади.

64. Комиссия котиби ёки комиссия аъзолари биридан раис томонидан тайинланган шахс тендер таклифлар солинган конвертларни очади ва ичida мавжуд бўлган тендер таклифига оид ҳужжатлар сони ва таркиби тўғрисида хабар қилади.

65. Комиссия барча тендер таклифларни кўриб чиқади. Агар фақат битта тендер таклифи тақдим этилган бўлса, ушбу таклиф тендер ҳужжатлари шартларига мувофиқ комиссия томонидан кўриб чиқилади.

66. Тендер таклифларни очиш тўғрисидаги баён ва руйхат, йиғилишда иштирок этадиган тендер комиссия раиси ва барча аъзолари, шунингдек комиссия котиби томонидан имзоланади.

67. Тендер таклифларини комиссия йиғилишини ўтказмасдан кўриб чиқишига йўл қўйилмайди.

68. Қабул қилинган тендер таклифлар тендер комиссия қарори билан ташкил қилинган ишчи орган томонидан белгиланган муддат ичida кўриб чиқилади ва тендер ҳужжатларнинг З-иловасида берилган мезонлар бўйича баҳоланади. Ишчи орган тендер ғолибини ва заҳирадаги ғолибни аниқлайди. Натижада ишчи орган баҳолаш хисботни тайёрлайди ва тендер комиссиясига олдиндан танишиш мақсадида тақдим этади ва кейинги мажлисида ушбу баҳолаш натижалари муҳокама қилинади ва тасдиқланади ёки кайта ишлаб чиқилишга ишчи органга қайтарилади.

69. Тендер иштирокчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси ёки уни ишчи органи талабгорларни тушунтиришлар бериш, улардан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун чақириш ёки аниқлаш

хукукига эга. Тендер якунларини чиқариш чоғида тендер иштирокчилари ва (ёки) уларнинг ваколатли шахслари иштирок этиши мумкин.

70. Тендер комиссиясининг ҳар бир мажлиси, унда мухокама қилинган мухим масалалар ва асосий хулосалар, ҳамда қабул қилинган қарорлар баён орқали расмийлаштирилади. Ушбу баёнлар йиғилишда иштирок этган тендер комиссия барча аъзолари томонидан имзоланади ва раис томонидан тасдиқланади.

71. Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер таклифларини тендер хужжатларнинг талабларига номунофиқ деб топган тақдирда, тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва тақорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Тақорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

72. Тендер комиссияси асосий тендер ва захирадаги ғолиби тўғрисидаги маълумотни давлат шериги ҳамда ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қиласи.

73. Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди.

12. Тендер ғолиби билан ДХШ тўғрисида битим тузиш

74. Давлат шериги томонидан ишлаб чиқилган ДХШ тўғрисидаги битим лойихаси тендер хужжатларнинг 4-иловасида берилган ва унинг ажралмас қисми хисобланади.

75. Тендер ғолиби расман эълон қилинган кундан бошлаб ўн календарь куни муддатида томонлар ўртасида ДХШ тўғрисидаги битим мухокама қилиниб имзоланиши шарт.

76. Агар тендер ғолиби ўн кунлик муддат тугаганидан кейин ДХШ тўғрисидаги битимни имзоламаса ёки тендер комиссияси томонидан тендер ғолиби тақдим этган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган тақдирда, тендер комиссияси уни дисқвалификация қилиш тўғрисида қарор қабул қиласи ва тендернинг захирадаги ғолибини ғолиб деб топади ҳамда унга тендер ғолибини дисқвалификация қилиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўн календарь кун ичida ДХШ тўғрисида битим тузишни тақлиф этади.

77. Тендер комиссияси томонидан тендернинг захирадаги ғолибига ДХШ тўғрисида битим тузиш ҳақида тақлиф юборилган санадан эътиборан ўттиз календарь куни ичida ундан ижобий жавоб олинмаган ва ДХШ тўғрисида битим имзоламанган тақдирда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва тақорий тендер эълон қиласи.

78. Тендер комиссиясининг тендер ғолиблари бўйича қабул қилинган қарорга нисбатан эътироz билдирган иштирокчи шикоят билан тендер ташкилотчисига сабабларни билиш мақсадида ёзма равишда мурожаат қилиш мумкин.

13. Якунловчи қоидалар

79. Агар мазкур тендер хужжатларида хусусий шерикни танлашга оид бўлган айрим шартлар ва масалалар акс эттирилмаган бўлса, Қонун ва Низомдаги тартиб ва шартлар қўлланилади.

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ УЧУН СҮРОВ (2021 йыл августу)
ДХШ асфодил мааний чикенділарни бөшікарши лойихаси

Илова 1 – ДХШ лойихасини концепцияси

Илова 2 – Тендер таклифнинг шакиллари

2А - Тендер аризаси

Тендер иштирокчининг (ёки консорциумнинг стакчи корхонасигининг) фирмаси бланкасида
ушибу тендер аризани тақдим этиши керак

Кимга: Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф мұжитни мұхофаза қилиши Давлат
құмитаси

Лойиха (тендер) номи: «Самарқанд вилояты Нуробод туманида қаттық майший
чиқиндиларни түплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини
давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариши»

Сана: 2021 йил _____

«Самарқанд вилояти Нуробод туманида қаттық майший чиқиндиларни түплаш, олиб
чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими
асосида бошқариши» лойиҳасининг хусусий шерикни танлаш бўйича танлов ҳужжатларини қўриб
чикиб, _____ (тендер иштирокчининг тулик
номи) ушбу тендер аризасига мувофиқ намунавий ДХШ тўғрисидаги битимиға кўра хусусий шерик
мажбуриятларини бажариш учун таклиф этади.

Ушбу тендер аризаси, тендер таклиф конвертларни очилган қундан бошлаб камида
90 (тўқсон) календар кун давомида амал қилади.

Агар бизнинг тендер аризамиз ғолиб деб эътироф этилса, биз ДХШ битимини тендер
хужжатлари шартларига мувофиқ шартларсиз ва чекловларсиз амалга ошириш ва имзолашни ўз
зиммамизга оламиз.

Агар биз танлов ғолиби сифатида аниқлансан, тендер ҳужжатларида белгиланган тендер
аризасини тақдим этиш муддати тугаганидан кейин биз ўзимизнинг тендер аризамизни қайтариб
олмаслигимиз ёки ўзгартирмаслигимиз ва (ёки) тўлдирмаслигимиз кафолати сифатида, ДХШ
битимини тузамиз, биз тендер таклифига 30.000.000,00 (ўттиз миллион) сўм микдорида (тендер
хужжатларни 48-бандида тақдим этилган кафолат тури кўрсатилган ҳолда) кафолат берамиз.

Ушбу тендер таклифида келтирилган маълумотлар аниқ ва тўғри эканлигини тасдиқлаймиз.

Ушбу тендер таклифида қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган: _____ (тендер
таклифига илова қилинган ҳужжатларнинг тулик руҳхати).

Тендер иштирокчини раҳбари ёки ваколатли шахсининг имзоси, тўлиқ исми ва лавозими

Корхона мұхри

ТЕНДЕР ТАКЛИФДАРИНИ ТАКДИМ ЭТИШ УЧУН СҮРОВ (2021 йил август)
ДХШ асосида мааний чикиндиларни боникарни лойихаси

**2Б - Таклиф қилинган бизнес-режани сифатини аниқлаш юзасидан
МАЪЛУМОТЛАР**

Уибӯ иловаба келтирилган маълумотлар тендер голиби билан тузиладиган ДХШ түйргисидаги битимдә аке эттирилади ва унинг ажралимас қисми ҳисобланади

I-жадвал

Киритиладиган маҳсус чикинди ташувчи техника русуми	Юк ташиш қуввати (тонна)	Сони	Жами юк ташиш қуввати (тонна)*
Жами			

* - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.09.2020 йилдаги ПҚ-4845-сони қарорига асосан аҳолини қаттиқ мааний чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш буйича хизматлар билан қамраб олишини 100 фоизга инказинчлини ҳисобек олини лозим.

2-жадвал

Киритилиши режалаштирилаётган ускуналар	Ўрнатиладиган худуд	сони	Йиллик қуввати (тонна)
Чикиндиларни қайта юқлаш станцияси (эстакада)*			
Чикиндиларни саралаш ускуналари			

* - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.04.2019 йилдаги ПҚ-4291-сони қарорига асосан қаттиқ мааний чикиндиларни қайта юқлаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар назарда тұтынушын лозим.

3-жавдал

Киритилиши режалаштирилаётган инвестиция ҳисобидан олиб келинадиган маҳсус техника, ускуналар ва башка тадбирлар номи	Олиб келинадиган маҳсус техника ва ускуналар сони	Олиб келинадиган маҳсус техника ва ускуналар қиймати	Муддати (йили, ойи күрсатилиши шарт)
Жами			

Тендер иштирокчини раҳбари ёки ваколатли шахсининг имзоси, тұлық исми ва лавозими
Корхона мухри

2B - Тендер таклифларини таъминлаш шакли

Банк кафолати намунаси

Давлат-хусусий шериклик лойиха (тендер) номи: _____

Тендер ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиши Давлат қўмитаси

Сана: _____

Банк кафолати №: _____

(тендер иштирокчанинг тулиқ номи¹, кейинги ўринларда "Аризачи") томонидан юкорида курсатилган тендерга таклифига биноан Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқига эга булиш учун ўз таклифини (кейинги ўринларда "Тендер таклифи") тендер ташкилотчисига тақдим этгани ёки тақдим этишини ҳақида бизга хабар берилган. Бундан ташқари, биз тендер ташкилотчисини шартларига биноан, тендер таклифлар кафолат билан таъминланиш кераклигини тушунамиз.

Аризачи илтимосига биноан, шу билан биз Кафил сифатида тендер ташкилотчисидан аризачи куйидаги шартларни бузганлигини тутгисида маълумотни ва асосланган талабни қабул қилганимиздан сўнг тендер ташкилотчисига **30.000.000,00** (ўттиз миллион) сўм микдорни қайтариб булмайдиган тўлаш мажбуриятини оламиз:

- а) Аризачи тендер таклифида кўрсатилган амал қилиш муддати давомида ёки ундан кейин бўлган Аризачи рози булган ҳар қандай узайтириш муддатида ўз тендер таклифини қайтариб олса; ёки
- б) Тендер таклифнинг амал қилиш муддати давомида Аризачининг тендер таклифи тендер ташкилотчиси томонидан қабул қилинганлиги тўғрисида хабар берилгандан сунг, Аризачи:
 - i) битим шартномасини имзолашдан бош тортса, ёки ii) Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимида талаб этилган 1%-лик банк кафолатини белгиланган муддатда тақдим этмаса.

Ушбу кафолатнинг амал қилиш муддати тугайди: (а) агар биз Аризачи тендер голиби деб аникланган кейин Аризачи томонидан кул куйилган Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни нусхасини олганимиздан сунг; (б) агар Аризачи тендер ташкилотчи хабарномасига кура тендер голиби деб топилмаган булса; ёки (в) Аризачининг тендер таклифи муддати тугаган булса.

Бинобарин, ушбу кафолат бўйича тўлов юзасидан тендер ташкилотчисиниг ҳар қандай талаб бизнинг идорамизни расмий манзилида кафолат амал қилиш муддати давомида олиниши керак.

Банкни ваколатли шаҳснинг имзоси ва банкни муҳри

¹ Агар тендер иштирокчиси консорциум шактида тендер таклифини тақдим этгани бўлса, унда консорциумни тулиқ номи кўрсатилиши керак, яъни банк кафолати тузилган консорциумни барча аъзодлари номидан берилтиши лозим.

Илова 3 – Танлов мезонлари ва баҳолаш шартлари

3А - Тендер таклифини баҳолаш мезонлари

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
А) Бизнес-режанинг техникавий таклифини сифати: Таклиф қилинган маҳсус техникалар (2-илова Б-банди 1-жадвал)	15
<i>Бунда: маҳсус техникаларнинг чиқинди ташини қуввати (тонна) бўйича кўплиги максимал балл эгасига айланади. Қолган иштирокчилар томонидан таклиф этилган маҳсус техникаларнинг чиқинди ташини қуввати максимал баллнинг фоизига нисбатан тақсимлаши орқали белгиланади ва максимал балдан пропорционал равишда ҳисобланади.</i>	
Таклиф қилинган қаттиқ миший чикиндишарни саралаш ускуналари ва кайта юклаш станциялари (эстакада) бўйича асослантирилган инвестиция таклифи (2-илова Б-банди 2-жадвал) <i>Бунда: ДХШ лойиҳаси ҳудудида бир йилда хосил бўладиган чиқиндишарни 100 фоизини саралаш имконияти эга бўлган ускуналар тақлифига максимал балл берилади. Камроқ тақлиф этилган саралаш ускуналар қувватига максимал баллнинг фоизига нисбатан тақсимлаши орқали белгиланади. Агарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.04.2019 йилдаги ПК-4291-сонли қарорига асоссан, мазкур тендер ҳуқуқсатиларининг 1-иловасидаги ДХШ лойиҳа концепциясида қайта юклаш станциялари қурилиши назарда туттилган бўлса, талабгорлар томонидан қайта юклаш станцияларини тақлиф этилмаган тақдирда, шу мезонни максимал баллнинг 50 фоизига эга бўлади. Таклиф қилинган барча ускуналар техникавий ва молиявий тақлифда асослантирилмаган бўлса балл берилмайди.</i>	15
Таклиф қилинган Бизнес-режанинг (молиявий иқтисодий модел) тулиқлиги ва ҳисоб-китобларни асослангилиги <i>Бунда: ДХШ лойиҳаси бўйича тақлиф қилинган Бизнес-режанинг инвестиция, техникавий ва молиявий кўрсаткичларни тўғри ва асосланган тарзда ҳисобланганилиги, барча тақлиф қилинган ускунулар бўйича молиялаштириши манбаларини аниқланганилиги ҳамда молиявий-иқтисодий моделда ва хизмат тарифини белгилашда инобатга олинганилиги баҳоланади. Баҳолаш натижасида “Намунали” деб топилган Бизнес-режага максимал балл, “Қониқарли” деб топилган Бизнес-режага максимал баллнинг 50 фоиз миқдорида балл берилади. “Қониқарсиз” деб топилган Бизнес-режаса учун балл берилмайди.</i>	15
Б) Бизнес-режанинг молиявий тақлифини сифати: Таклиф қилинган инвестицияларни амалга ошириш даври (2-илова Б-банди 3-жадвал)	20

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
<p><i>Бунда: Киритилаётган инвестиция иштирокчилар томонидан тақлиф этилаётган муддат ҳисобга олинади ва энг қисиға муддатда киритилиши тақлифини берган иштирокчи максимал балл эгасига тақданади. Қолган иштирокчилар томонидан тақлиф этилган максимал баллнинг иштирокчилар сонига нисбатан тақсимлаши орқали белгиланади.</i></p>	
<p>Тақлиф қилинган ҳамда иқтисодий-техник асослантирилган инвестиция миқдори (2-илова Б-банди З-жадвал)</p> <p><i>Бунда: иштирокчи томонидан бошқа иштирокчиларга нисбатан ортиқроқ киритилаётган инвестиция миқдорига нисбатан баҳоланади. Қолган иштирокчилар томонидан тақлиф этилган инвестиция миқдори максимал баллнинг фоизига нисбатан тақсимлаши орқали белгиланади.</i></p>	20
<p>Эслатма: <i>Тендер тақлифида киритилаётган инвестиция миқдори ахолини хизмат қўрсатиш билан тўлиқ қамраб олиш учун етарли бўлмаган ва инвестиция миқдори иқтисодий-техник асослантирилмаган тақдирда ушибу мезон бўйича балл берилмайди.</i></p> <p>Ахоли учун хизмат қўрсатиш тарифи (Бизнес-режа бўйича)</p> <p><i>Тендер иштирокчиси томонидан майший чиқиндижарни тўплаш ва олиб чиқиш хизмат қўрсатиш бўйича бир кишига хисобланган энг паст тариф миқдорини белгиланган тартибда хисоб-китоб қилинганлиги ва иқтисодий-техник назардан асослантирилганлиги</i></p>	15
<p>Изоҳ: <i>Тақлиф этилаётган бир кишига тариф миқдори амалдаги тариф миқдоридан паст бўлиши ҳамда амалдаги тарифининг 1,3 бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.</i></p> <p>Эслатма: <i>Тендер тақлифида хизмат қўрсатиш тарифи иқтисодий-техник назардан асослантирилмаган тақдирда хизмат қўрсатиш тарифи учун балл берилмайди.</i></p>	
ЖАМИ	100

ДИҚҚАТ:

Бир босқичли тендерда талабгорнинг дастлабки малакалашда тўплаган баллар тендер тақлифини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

Икки босқичли тендерда дастлабки малакалаш босқичидан муваффакиятли ўтган талабгорлар учун, умумий балл қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Умумий балл} = \text{Тўплаган дастлабки малакани баҳолаш баллари} \times 50\% + \\ \text{Тўплаган тендер тақлифини баҳолаш баллари} \times 50\%$$

Илова 4 – ДХШ тұғрисидаги битим лойихаси

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматларни күрсатынша давлат-хусусий шериклик тұғрисида БИТИМ

2021 йил _____ -сон _____ шахри

Давлат шериги – давлат хокимияти органдары – вилояти
хокимлиги Ўзбекистон Республикаси номидан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-
хусусий шериклик тұғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни
бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”
ПҚ-4845-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарори билан
тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойихаларини амалга ошириш тартиби тұғрисида
низом” ва Ўзбекистон Республикасининг “Махаллий давлат хокимияти тұғрисида”ги
Конунига асосан иш юритувчи юридик шахс.

Давлат шериги – экология органдары – вилояти Экология ва атроф-
мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси номидан, Ўзбекистон
Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тұғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший
ва курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада
тақомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-4845-сон қарори, Вазирлар
Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий
шериклик лойихаларини амалга ошириш тартиби тұғрисида”ги низом асосида фаолият
күрсатувчи юридик шахс.

Хусусий шерик – Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик
тұғрисида”ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29
сентябрдаги “Маиший ва курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини
янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”
ПҚ-4845-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан
2020 йил 16 декабрдаги 05/1-1821-сон билан тасдиқланган Маиший чиқиндиларни тұплаш,
олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида Давлат-хусусий шериклик тұғрисидаги
битимни тузиш ҳукуки бүйіча тендер ғолибини аниклаш учун тендер комиссияси қарори
билан битим тузиш ҳукуқини құлға киритган ва ўз устави доирасида иш юритувчи юридик
шахс.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарори билан тасдиқланган
“Давлат-хусусий шериклик лойихаларини амалга ошириш тартиби тұғрисида”ги Низомнинг
25-бандига мувофиқ, агар давлат-хусусий шериклик лойихасининг концепцияси эълон
қилинган пайтдан эътиборан қирқ беш календарь күн ичидә потенциал давлат шеригига
бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойихасини
(кейинги ўринларда ДХШ лойихаси деб юритилади) амалга оширишдан ўзининг
манфаатдорлыгини маълум қилмаса, хусусий ташаббускор билан тендер үтказмаган холда
давлат-хусусий шериклик тұғрисида битим (кейинги ўринларда Битим деб юритилади)
тузилади.

Мазкур битимда хусусий шерик сифатида

худудида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган
“ ” маъсулияти чекланган жамияти кўзда тутилган (агар хусусий
шерик консорциум шаклда бўлса, унда консорциумни барча аъзолари кўрсатилиши лозим).

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Битим тарафлари – Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи, Давлат шериги – экология органи ҳамда Хусусий шерик ҳисобланиб, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади.

1.2. Хусусий шерик мазкур Битим бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини бир ёки бир неча ташкилотга топшириши мумкин. Бирок Битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун тўлиқ жавобгарлик Хусусий шерикнинг ўзида қолади. Бунда Битим бўйича хукуқ ва мажбуриятларни бошқа ташкилотга ўтказиш мазкур битимга қўшимча келишувни расмийлаштириш йўли билан мустаҳкамланиши лозим.

1.3. Мазкур Битим бўйича барча хукуқларни ёки хукуқларнинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш, хукуқларини бошқа шахсга ўтказаётган тарафни мазкур Битим бўйича мажбуриятларидан озод қилмайди.

1.4. Мазкур Битим, жумладан унинг иловалари битим предметига нисбатан Тарафлар ўртасидаги барча аввалги оғзаки ёки ёзма келишувлар, битимлар ёки карорларни бекор қилувчи ва улардан устун турувчи тўлиқ келишувни англатади. Мазкур Битимнинг иловалари ва қўшимча келишувлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади ва у билан бир хил юридик кучга эгадир.

1.5. Мазкур Битимнинг барча қоидалари ва шартлари мажбурий характерга эга ҳамда Тарафларга ёки Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра уларнинг тегишли хукуқ ва (ёки) мажбуриятлари берилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

1.6. Мазкур Битимда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ДХШ – давлат-хусусий шериклик.

Ваколатли давлат органи – Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги.

КМЧ – каттиқ маший чиқинди;

GPS (Geographic Position System) навигатор – маҳсус ва ихтисослаштирилган транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар (механизмлар) характеристини онлайн назорат қилиш имконини берувчи масофадан кузатиш қурилмаси;

Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар.

2. БИТИМ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, КУЧГА КИРИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

2.1. Битим предмети

“Маший чиқиндишлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисида”ги ДХШ лойихасини амалга оширишни қуйидагилар орқали ташкиллаштириш:

а) Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи томонидан:

туман (шаҳар) худудини **Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат** күрсатиш учун Хусусий шерикка **10 йил** муддатта бириктириш;

Хусусий шерик томонидан ҚМЧ ларни түпласа ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақини қонун ҳужжатларига мувофиқ марказлашган тартибда, тўланишини таъминлаш.

б) Давлат шериги – экология органи томонидан:

маиший чиқиндиларни түпласа ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун давлат мулки – **транспорт воситаларини** Хусусий шерик томонидан **бўлиб тўлаш тартибида сотиб олиши шарти** билан Хусусий шерикка 7 йил муддатта фойдаланиш учун бериш;

маиший чиқиндиларни түпласа ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун Хусусий шерикка давлат **мулкини 10 йил муддатта бегараз** фойдаланиш учун бериш*;

вилояти “Тоза худуд” ДУК хисобидаги **маиший чиқинди полигонини** ушбу чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни татбиқ этган ҳолда, қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти билан Хусусий шерикка **10 йил муддатта бегараз** фойдаланишта бериш*;

в) Хусусий шерик томонидан:

ўзига бириктириб берилган худудда қонун ҳужжатларида ва ушбу Битимда белгиланган тартибда **Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш** фаолиятини амалга ошириш ҳамда аҳолини ушбу хизматлар билан қамров даражасини **100 фоизга** етказиш;

ДХШ лойихасига мувофиқ инвестиция лойихаларини амалга ошириш ва **Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш**;

махсус транспорт воситалари ва техникаларини GPS навигаторлар билан тўлиқ жиҳозлаш, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек давлат шеригига махсус транспорт воситалари ва техникалари ҳаракатини онлайн режимда назорат қилиш имконини яратиш;

ҳар бир чиқинди полигонини камидан 3 та видео кузатув воситалари билан жиҳозлаш, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек давлат шеригига махсус ўз фойдаланишидаги чиқинди полигонларини онлайн режимда назорат қилиш имконини яратиш*;

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва хисобини юритишнинг Давлат шериги – экология органи томонидан яратилган **ягона электрон тизимиға уланиш**;

фойдаланишта берилган чиқинди полигонларида давлат хусусий шериклик битимида белгиланган муддатларда чиқинди саралаш ва қайта ишлаш технологияларини ўрнатиб, ишга тушириш*.

2.2. Битим обьекти

Куйидагилар Битим обьекти ҳисобланади:

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун Хусусий шерикка ушбу Битимга 1-иловага мувофиқ бириктирилаётган худуд;

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш учун Хусусий шерикка ушбу Битимга 2а-иловага мувофиқ, мазкур Битимнинг амал қилиш даврида, фойдаланишга топширилаётган давлат мулки.

2.3. Битимнинг амал қилиш муддати

Ушбу Битим Тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 20 _____ йил _____ гача, 10 (үн) йил давомида амал қиласи.

3. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Хусусий шерикка биритирилган худудда ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (ахоли)га кўрсатиладиган хизматлар ҳаки конун ҳужжатларига мувофиқ, марказлашган тартибда тўлаб берилади.

3.2. Хусусий шерик томонидан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўлаш жисмоний шахслар (ахоли)дан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетишга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловларнинг келиб тушишига кўра амалга оширилади.

3.3. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловлар истеъмолчилар ва Хусусий шерик ўртасида тузиладиган шартномага асосан, Хусусий шерикка бевосита, 100 фоиз олдиндан тўлов асосида амалга оширилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда Хусусий шерикка кўмаклашиш;

Хусусий шерик томонидан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда Хусусий шерикнинг айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини талаб қилиш;

Хусусий шерик томонидан муайян давр ёки биритирилган худуддаги маълум участкаларда ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатилмагандан хизматлар қийматини тўламаслик ёки қисман тўлаш;

Хусусий шерикдан ҳар ойда ушбу Битимга З-иловага мувофиқ шаклда бажарилган ишлар/хизматлар далолатномаларини қабул қилиш;

Битим шартларининг бажарилишини назорат қилиш ва ДХШ лойихасининг амалга оширилиши натижаларини баҳолашда иштирок этиш;

мазкур бандда назарда тутилган ўз ҳуқуқларини Давлат шериги – экология органи билан бирга амалга ошириш;

Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Давлат шериги – экология органи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда Хусусий шерикка кўмаклашиш;

ДХШ лойихаси бажарилиши ҳамда мазкур Битим шартларига риоя этилиши устидан Хусусий шерикни хабардор қылган ҳолда, ҳар олти ойда бир марта (зарур холларда навбатдан ташқари) мониторингни амалга ошириш (шу жумладан Ваколатли давлат органды билан биргаликта);

Хусусий шерикдан Битим шартлари бажарилиши ва ДХШ лойихасининг амалга оширилиши түғрисида ҳисобот сұраш ва олиш;

Битим шартларининг бажарилишини назорат қилиш ва ДХШ лойихасининг амалга оширилиши натижаларини баҳолаш;

қонун хужжатларига ва Битим шартларига риоя этилиши юзасидан мониторинг (шу жумладан, чиқинди ташиш транспорт воситалари ва бошқа техникаларнинг ҳаракатини реал вақт (онлайн) режимида автоматлаштырылған кузатиш тизими (GPS)дан фойдаланған ҳолда) юритиши доирасыда аникланған камчилик ва хукуқбизарликтарнинг бартараф этилишини Хусусий шерикдан талаб қилиш;

ДХШ лойихаси бүйіча Хусусий шерик айби билан юзага келған заарларнинг үрнини қоплашни талаб қилиш;

мазкур Битимга мувофиқ Хусусий шерикнинг давлат шеригига түловларини ҚМЧларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бүйіча жисмоний шахслар (ахоли)га күрсатылған хизматлар ҳақининг Хусусий шерикка марказлашған тартибда түланишида акцептсиз ушлаб қолиши йўли орқали ундирилишини таъминлаш;

ҚМЧларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бүйіча жисмоний шахслар (ахоли)га күрсатылған хизматлар ҳақининг Хусусий шерикка марказлашған тартибда түланишида, абонентларнинг қаттық машиның чиқиндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий түловлар бүйіча 2021 йил 1 _____ га қадар, _____ вилояти “Тоза худуд” ДУКдан бўлган қарздорликларининг ундирилган суммасини акцептсиз ушлаб қолинишини ва _____ вилояти “Тоза худуд” ДУКнинг банк ҳисоб ракамига ўтказиб берилишини таъминлаш.

Бунда, қарздор абонент томонидан 2021 йил _____ дан бошлаб келгуси давр учун амалга ошириладиган түловлар қарздорликни сўндириш учун ҳисоб-китоб қилинмайди ҳамда қарздорлик бүйіча ундирилдиган сумманинг 20 фоизи Хусусий шерикнинг абонентлардан қарздорликларни ундириш билан боғлиқ ҳаражатларини қоплаб бериш учун Хусусий шерикда қолдирилади;

мазкур бандда назарда тутилған ўз хукукларини Давлат шериги – давлат ҳокимияти органды билан бирга амалга ошириш;

Давлат шериги – экология органдың конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Хусусий шерик қўйидаги хукукларга эга:

Давлат шеригидан ДХШ лойихасини амалга ошириш учун зарур бўлган ва эркин фойдаланиладиган ахборотни олиш;

Битим шартларини ўзгартириш түғрисида таклифлар киритиш;

Давлат шеригининг айби билан ДХШ лойихаси бүйіча юзага келған заарларнинг үрни қопланишини талаб қилиш;

қонун хужжатларида ва ушбу Битимда белгиланған тартибда, шунингдек, конун хужжатларида тақиқланмаган барча усууларда машиның чиқиндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бүйіча хизматлар қўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

ушбу Битим Давлат шериги ташаббуси билан муддатидан олдин бекор килинганда (Хусусий шерик томонидан ушбу Битимнинг 4.6-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, шунингдек, 8 З-банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) транспорт воситаларини бўлиб тўлаш тартибида сотиб олиш учун тўланган суммани Давлат шеригидан қайтариб олиш.

Хусусий шерик конун ҳужжатларига мувофик бошқа ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи қўйидагиларга мажбур:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Битим талабларига риоя этиш;

ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақини Хусусий шерикка тўлашни марказлашган тартибида амалга ошириш;

Хусусий шерикка методологик ёрдам бериш;

Хусусий шерикнинг майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар микдорига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги (асоси хисоб-китобларни тақдим этган ҳолда) мурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида ва муддатларда кўриб чиқиш;

Хусусий шерикнинг ўзига бириклирлган ҳудудда санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яхшилаш бўйича таклифларини кўриб чиқиш;

ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек, бекор килинганда давлат-хусусий шериклик лойихаси доирасида хусусий шерик томонидан (ўз маблағлари хисобига) қўшимча харид қилинган маҳсус автотранспорт воситалари, техникалар ва бошқа мол-мулкларни хусусий шерикка мулк ҳукуқи асосида расмийлаштирилишини таъминлаш;

Бириклирлган ҳудудда майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича фаолиятни амалга оширишда Хусусий шерикка тўскинлик килмаслик;

Хусусий шерикга тегишли ёки унинг фойдаланишида бўлган маҳсус автотранспорт воситаларини уларнинг фаолияти билан боғлик бўлмаган (кишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва бошқалар) ишларга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

Хусусий шерик ёки Хусусий шерик жалб этган учинчи шахслар томонидан амалга оширилаётган фаолиятга аралашмаслик;

ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг Хусусий шерикка марказлашган тартибида тўланишида, абонентларнинг каттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича 2021 йил _____ га кадар, _____ вилояти “Тоза ҳудуд” ДУКдан бўлган қарздорликларининг ундирилган суммасини акцептсиз ушлаб қолинишини ва _____ вилояти “Тоза ҳудуд” ДУКнинг банк ҳисоб ракамига ўтказиб берилишини таъминлаш.

Бунда, қарздор абонент томонидан 2021 йил _____ дан бошлаб келгуси давр учун амалга ошириладиган тўловлар қарздорликни сўндириш учун ҳисоб-китоб қилинмайди ҳамда қарздорлик бўйича ундирилладиган сумманинг _____ 20 фоизи Хусусий шерикнинг абонентлардан қарздорликларни ундириш билан боғлик харажатларини қоплаб бериш учун Хусусий шерикда қолдирилади;

давлат-хусусий шериклик түғрисидаги қонун хужжатларида ва ушбу Битимда назарда тутилган жавобгарликни зыммасига олиш.

4.5. Давлат шериги – экология органи қуйидагиларга мажбур:

давлат-хусусий шериклик түғрисидаги қонун хужжатлари ва ушбу Битим талабларига риоя этиш;

ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида мазкур Битимнинг 2-илювасида кўрсатилган давлат мулкини Хусусий шерикка унда белгиланган муддатга, қонун хужжатларида белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида фойдаланишга (эксплуатация қилишга) берилшини таъминлаш;

ушбу Битимга мувофиқ Хусусий шерикка ҳар ойда бўлиб тўлаб бориш тартибида сотиб олиш шарти билан фойдаланишга берилган давлат мулки – транспорт воситаларини (шу жумладан машина ва механизмларни) мазкур Битимнинг 2б-илювасида кўрсатилган муддатлар ичida тўловлар тўлиқ ундирилганидан сўнг, Хусусий шерикка мулк ҳуқуқи асосида қонун хужжатларида белгиланган тартибда ўтказиб бериш;

Хусусий шерикнинг ушбу Битимда назарда тутилган ўз инвестициялари ва даромадларини эркин бошқариш ҳамда тасарруф этиш ёки активларини ва амалга ошираётган фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилишга доир ҳуқуқларини чекламаслик;

ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек, бекор қилинганда давлат-хусусий шериклик лойихаси доирасида хусусий шерик томонидан (ўз маблағлари хисобига) қўшимча харид қилинган маҳсус автотранспорт воситалари, техникалар ва бошка мол-мулкларни хусусий шерикка мулк ҳуқуқи асосида расмийлаштирилишини таъминлаш;

Хусусий шерик ёки Хусусий шерик жалб этган учинчи шахслар томонидан амалга оширилаётган фаолиятга аралашмаслик;

Давлат-хусусий шериклик түғрисидаги қонун хужжатларида ва ушбу Битимда назарда тутилган жавобгарликни зыммасига олиш.

Давлат шериги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбурияларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.6. Хусусий шерик қуйидагиларга мажбур:

давлат-хусусий шериклик түғрисидаги қонун хужжатлари ва ушбу Битим талабларига риоя этиш;

2021 йил _____дан бошлаб ушбу Битимга мувофиқ унга бириктирилган ҳудудда қонун хужжатларида ва мазкур Битимда белгиланган тартибда майший чиқиндишларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишга киришиш;

каттиқ майший чиқинди полигонларидан фойдаланишни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги 12-сон қарори (рўйхат рақами 3197, 2019 йил 19 ноябрь) билан тасдиқланган Каттиқ майший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириши ва улардан фойдаланиш бўйича йўрикнома талабларига мувофиқ олиб бориш;

ўзига бириктирилган ҳудудда аҳолини ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш даражасини **2021 йил якунига қадар 100 фоизга** етказиш;

ўзига бириктирилган худудда ҳосил бўлган ҚМЧларни саралашни ташкил этиш ва утилизация килиш даражасини 2021 йил якунига кадар 38 % га етказиш;

давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш учун унга фойдаланишга топширилган;

давлат мулкининг лозим даражада (соз ҳолда) сақланишини ва белгиланган мақсадда оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

давлат мулкини сақлаш билан боғлиқ (шу жумладан жорий таъмирлаш) ҳамда коммунал харажатларни тўлаб бориш*;

давлат мулкига заар етказилганда, шу кундан бошлаб **икки кундан** кечикмай, давлат мулкига етказилган заар, унинг келиб чиқиши сабаблари ва бартараф этиш учун кўриладиган чоралар тўғрисида Давлат шериги – экология органига хабар бериш;

30 календарь куни ичидаги давлат мулкига етказилган заар ўрнини тиклаш (таъмирлаш, соз ҳолатга келтириш), агарда мулкга етказилган заар унинг тикланмас даражасида бўлса, уч ой муддат ичидаги давлат мулки ўрнини ўз ҳисобидан янгиси билан тиклаш;

ДХШ лойихасига мувофиқ _____ млн.сўм микдоридаги инвестиция лойихаларини амалга ошириш, шу жумладан:

T/p	Тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Инвестиция микдори (минг АҚШ долл.)	Бажариш муддатлари
1. Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яхшилаш бўйича					
1.1.	Кўшимча чиқинди ташини транспорт воситаларини жашиб этиш.	Дона	—	—	—
1.2.	Маҳсус техника (мултилифт)	Дона	—	—	—
1.3.	Маҳсус техника (самосвал)	Дона	—	—	—
1.4.	Янги чиқинди тўплаш шохобчаларини куриш.	Дона	—	—	—
1.5.	Чиқинди контейнерлари (12 м3, 1 м3)	Дона	—	—	—
1.6.	Чиқиндиларни саралаш линияси	Комп	—	—	—
1.7.	Махсулотларини қайта ишлаш ускунаси	Дона	—	—	—
2. Ижтимоий соҳанини яхшилаш бўйича					
2.1.	Янги или ўрипларини яратиш ва сақлаш	нафар	—	----	—

ўзига бириктирилган худудда ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига қатъий мувофиқ, уларнинг мунтазам олиб чиқиб кетилишини таъминлаш;

аҳолидан ундириладиган, каттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиши хизматлари учун мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси хузуридаги Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасининг туманларда очилган ягона транзит банк ҳисобварақларига тўлаб борилишини таъминлаш;

ўзига бириктирилган худуддаги абонентларнинг каттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича 2021 йил

га қадар бўлган қарздорликларини аниқлаш учун абонентларнинг мавжуд қарздорликларини ҳатловдан ўтказишда Давлат шериги – экология органига кўмаклашиш:

унга фойдаланишга берилган давлат мулки – транспорт воситаларини соз ҳолатда саклаш, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ва мулкни саклаш бўйича харажатларни қоплаш, белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ва спидометр кўрсаткичларини йилда бир маротаба давлат қиёсловидан, шунингдек, транспорт воситаларини белгиланган муддатларда техник кўрикдан ўтказиш;

давлат мулкидан вақтинча фойдаланиш (эксплуатация килиш) муддати ёки мазкур Битимнинг амал қилиш муддати гугаганидан, шунингдек, Битим бекор килинганидан сўнг 5 иш куни мобайнида давлат мулкини соз ҳолатда Давлат шериги – экология органига (ёки у ваколат берған – балансда сақловчига) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида топшириши*;

ушбу Битим Хусусий шерик ташаббуси билан ёки ушбу Битимнинг 8.3-банди учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилингандা, Битим бекор қилинганидан сўнг 5 иш куни мобайнида давлат мулкини соз ҳолатда Давлат шериги – экология органига (ёки у ваколат берган – балансда сакловчига) конун ҳужжатларида белгиланган тартибида, топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида топшириш (транспорт воситаларини бўлиб тўлаш тартибида сотиш суммалари тўлиқ ундирилган (тўланган) ҳолатлар бундан мустасно);

ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек, бекор қилинганда, унга биринчирилган худудда, ўз маблаглари хисобига қурилган кўчмас мулк объектларини (чиқинди тўплаш шохобчалари ва х.к) Давлат шеригига – экология органига (ёки у ваколат берган – балансга олувчига) эгалик қилиш (тасарруф этиш) ҳукуки асосида беғараз топшириш (Битимнинг амал қилиш муддати Гарафларнинг келишуви бўйича узайтирилган ҳоллар бундан мустасно);

унга фойдаланишга берилган давлат мулкини ўзга шахсларга фойдаланишга (ижара асосида ёки бегараз) бермаслик;

ушбу Битим бўйича Хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилишининг мониторингини олиб боришда Давлат шерикларига тўсқинлик қилмаслик.

Хусусий шерик қонун ҳужжатларига мувофиқ башқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. ДАВЛАТ ШЕРИКЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ШЕРИК ЎРТАСИДА ХАВФ-ХАТАРЛАРНИГ ТАКСИМЛАНИШИ

5.1. Тараплар ўртасида хавф-хатарлар қўйидаги тартибда таҳсилланади:

а) Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи ва Давлат шериги – экология органы қуидаги хавф-хатарларни олади:

ушбу Битим тузилганидан кейинги Давлат шериги томонидан **ДХШ** лойихасига киритиладиган ўзгартиришларнинг **ДХШ** лойихасига салбий таъсири хатарлари;

конунчилликдаги Ўзгаришларнинг ДХШ лойихасига салбий таъсири хатарлари;

сиёсий бекарорлик хатарлари;

МОЛ-МУЛКНИНГ давлат томонидан мусодара қилиниши хатарлари;

б) Хүсүсий шерик қуидаги хавф-ха гарларни олади:

ДХШ лойихасига тегишли хавф хатарлар;

дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи;
яширин нуқсон хавфи;
молиявий хатарлар;
курилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган);
ДХШ лойихасининг суғуртасига оид хатарлар;
ушбу Битим тузилганидан кейинги Хусусий шерик томонидан
ДХШ лойихасига киритиладиган ўзгартиришларнинг ДХШ лойихасига салбий таъсири
хатарлари;

таъмирлаш ва реконструксияга оид хатарлар;
операцион хатарлар;
экологик/ижтимоий хатарлар (эксплуатация билан боғлиқ);
оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар.

5.2. Тарафларнинг умумий бўлган хавф-хатарлари:

ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар;
солиқ билан боғлиқ хатарлар;
тарифларнинг ўзариши билан боғлиқ хатарлар;
талаф билан боғлиқ хатарлар;
Бошқа хавф-хатарлар.

5.3 Тарафлар ушбу Битим бўйича бирон-бир мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлиги учун, агар ушбу Битим кучга кирганидан кейин бундай мажбуриятларнинг бажарилмаслигини ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлигини енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари келтириб чиқарган тақдирда, жавоб бермайдилар.

5.4. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига ушбу Битим кучга кирганидан кейин Тарафларнинг Битим бўйича мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатган, мазкур шароитларда фавқулодда ва кутилмаган вазиятлар киради. Бундай вазиятларга бозорда ишларни амалга ошириш учун зарур хизматлар ёки материаллар мавжуд эмаслиги ёки етишмаслигига тааллукли ҳолатлар кирмайди.

5.5. Тараф дарҳол (ёки бошланган санадан бошлаб уч календарь кунидан кечикмай) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларининг бошланиш санаси ва тавсифини аниклаштирувчи ёзма равища бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали хабар беради.

5.6. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари вужудга келган тақдирда, Тарафлар дарҳол юзага келган вазиятдан чикиш йўлларини қидириш учун музокаралар олиб борадилар ва бундай ҳолатларнинг оқибатларини камайтириш учун барча воситаларни қўлладилар.

5.7. Ушбу Битим бўйича ишларнинг енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари туфайли тўлиқ ёки қисман тўхтатилишида, мазкур ишларни олиб бориш даври енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларининг амал қилиш муддатига узайтирилади ва сенгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари тугаган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

6. МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛARНИ ТЎПЛАШ ВА ОЛИБ

ЧИҚИБ КЕТИШ БҮЙИЧА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ТАРТИБИ

6.1. Маиший чиқиндишарни түпласи ва олиб чиқиб кетиш бүйича хизмат күрсатиши чиқиндишар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда, давлат шериги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

7. ХУСУСИЙ ШЕРИК ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРГА (КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА) ДОИР ТАРИФЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

7.1. ДХШ лойихаси бүйича күрсатилган хизматларнинг тарифларини кўриб чиқиши учун тегишли хужжатларни тақдим қилиш ва тасдиқлаш муддатлари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг кўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ гартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва курилиш чиқиндишарни билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомилластириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4845-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ, маиший чиқиндишарни түпласи ва олиб чиқиб кетиш бүйича хизмат күрсатиши учун мажбурий тўлов тарифлари (хизмат күрсатувчи ташкилотлар томонидан келишилган нархларда амалга ошириладиган алоҳида хизматлар учун тўловлар бундан мустасно) дастлаб нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари хulosалари олиниб, кейинчалик тегишлигича Коракалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шахар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланади.

8. КҮРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

8.1. ҚМЧларни тўпласи ва олиб чиқиб кетиш бүйича күрсатилган хизматлар самарадорлигини баҳолашда қуйидагилар инобатга олинади:

абонентларнинг маиший чиқиндишарни тўпласи ва олиб чиқиб кетиш бүйича күрсатилган хизматлардан қаноатланганлиги;

ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалларига риоя этилиши;

чиқинди тўпласи шохобчаларнинг ҳолати;

контейнерларнинг ҳолати;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши.

8.2. Күрсатилган хизматлар сифатини баҳолаш ушбу Битимга 4-иловага мувофиқ амалга оширилади.

8.3. Хусусий шерик томонидан күрсатилган хизматлар натижадорлиги кетма-кет уч ой қоникарсиз деб баҳоланган тақдирда, унга Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солинади.

Бунда, жарима суммаси ҚМЧларни тўпласи ва олиб чиқиб кетиш бүйича жисмоний шахслар (аҳоли)га күрсатилган хизматлар ҳақининг қонун хужжатларига мувофиқ Хусусий шерикка марказлашган тартибда тўланишида акцептсиз ушлаб қолиш йўли орқали ундирилади.

Хусусий шерикка жарима солинганидан сўнг кейинги уч ой давомида хизматлар натижадорлиги тақроран қониқарсиз деб баҳолангандар тақдирда ёки ушбу Битимга 5-иловага мувофиқ инвестиция шартларини ўз муддатида бажармаса Давлат шериги (давлат ҳокимияти органи ёки экология органи) ушбу Битимни бир томонлама бекор қилиш ташаббуси билан чиқишига ҳақли.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

9.1. Битимнинг шартлари бажарилшини таъминланиши учун куйидаги усуллар кўлланиши мумкин:

а) ушбу Битимнинг 8.3-банди биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда Хусусий шерикка жарима солиш;

б) ушбу Битим Хусусий шерик ташаббуси билан ёки ушбу Битимнинг 8.3-банди учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатларда, ёхуд Хусусий шерик айби билан муддатидан олдин бекор килинганда, Битим бекор килинганидан сўнг 5 иш куни мобайнида Хусусий шерикка фойдаланишга берилган давлат мулкини Давлат шериги – экология органига (ёки у ваколат берган – балансда сакловчига) қонун хужжатларида белгиланган тартибда, топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида топшириш (кайтариш).

Бунда транспорт воситаларини бўлиб тўлаш тартибда сотиб олиш суммаларининг ундирилган қисми Хусусий шерикка кайтариб берилмайди;

в) ушбу Битим Давлат шериги ташаббуси билан муддатидан олдин бекор килинганда (Хусусий шерик томонидан ушбу Битимнинг 4.6-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, шунингдек, 8.3-банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) транспорт воситаларини бўлиб тўлаш тартибда сотиб олиш учун Хусусий шерик томонидан тўланган суммани қайтариб бериш.

Бунда, қайтариб бериладиган сумма индексация қилинмайди ва фоизлар тўланмайди;

г) ушбу Битимга мувофиқ Хусусий шерикка фойдаланиш учун берилган давлат мулкига етказилган зарарни Хусусий шерикдан ундириш.

9.2. Абонентларнинг қаттиқ маниший чиқиндишарни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича 2021 йил _____ га қадар бўлган карздорликларини аниқлаш учун Давлат шериги – экология органи ва Хусусий шерикнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гурух тузилади ва абонентларнинг мавжуд карздорликлари ҳатловдан ўтказилади ҳамда далолатнома билан расмийлаштирилади.

9.3. Хусусий шерик Битим имзолангандан кейин бир ой муддатда, Узбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва шаклда Давлат шериги – экология органига ДХШ лойихаси концепциясида кўрсатилган **инвестиция суммасининг 1 (бир) % миқдоридаги _____ (_____) сўм миқдорида** Банк кафолати ёки кафиллик шартномасини тақдим этади.

Банк кафолати ёки кафиллик шартномаси Хусусий шерик ўз инвестиция мажбуриятларини тўлик бажарган тақдирда ўз кучини йўқотган хисобланади.

10. ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ДАВЛАТ ШЕРИГИГА ТЎЛОВИ ШАКЛИ ВА УНДИРИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу Битимнинг 2а-иловасига мувофиқ:

давлат мулки – транспорт воситалари ушбу иловада кўрсатилган муддат тугагунига қадар 3 (уч) ойлик имтиёзли давр билан (бунда, Битим тузилган ойдан бошлаб 3 (уч) ой тўлов ундирилмайди) ҳар ойда бўлиб тўлаб бориш тартибида сотиб олиш шарти билан **Хусусий шерикка** фойдаланишига берилади;

давлат қўчмас мулки ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар **Хусусий шерикка** безгараз фойдаланишига берилади.

10.2. Бўлиб тўлаб бориш тартибида сотиб олиш ва (ёки) ижара тўлов суммалари ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (ахоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг **Хусусий шерикка** қонун хужжатларига мувофиқ, марказлашган тартибда тўланишида акцептсиз ушлаб қолиш йўли орқали ундириллади. Бунда акцептсиз ушлаб қолиш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, **Хусусий шерик** давлат шеригига тўловларнинг ундирилмаган қисмини кўшимча равишда тўланишини таъминлайди.

Хусусий шерикнинг хоҳишига кўра, давлат шеригига тўловлар муддатидан олдин кўшимча равишда тўлаб борилиши мумкин.

10.3. ДХШ лойиҳасини молиялаштириш **Хусусий шерикнинг** ўз маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

11. ХОДИМЛАРНИ ИШГА ОЛИШ ВА МЕҲНАТДАН ФОЙДАЛАНИШ

11.1. **Хусусий шерик** Узбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги асосида, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига мувофиқ, ходимлар маълумотнинг энг паст даражасига қўйилган талабларга жавоб берадиган малакага эга ходимларни ишга ёллайди ва меҳнат муносабатларини юритади.

11.2. Битим муддати давомида **Хусусий шерик** ходимлар малакасини ошириш тизимини ташкил этиши ва қўллаб-қувватлаши шарт.

12. ТАРАФЛАРНИНГ ИШОНТИРИШ ВА КАФОЛАТЛАРИ

12.1. Давлат шеригининг ишонтириш ва кафолатлари

Битим тузилган сана ҳолатига ва унинг амал қилиш муддати давомида **Давлат шериги-давлат ҳокимияти органи** ва **Давлат шериги-экология органи** **Хусусий шерикка** куйидагиларни тасдиклайдилар ва кафолатлайдилар:

Давлат шериги-давлат ҳокимияти органи ва **Давлат шериги-экология органи** Битимни тузиш ва Битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга бўлган ҳуқук ва ваколатларга эга бўлган, Узбекистон Республикаси қонунчилигига асосан фаолиятини амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади;

ушбу Битимнинг имзоланиши ва бажарилиши билан боғлиқ ҳар қандай келишув ва мажбуриятлар **Давлат шериги-давлат ҳокимияти органи** ва **Давлат шериги-экология органи** фаолиятига тааллукли қонун хужжатлари, норматив -ҳуқуқий ёки бошқа хужжатлар талабларини бузмайди;

ушбу Битим **Давлат шериги-давлат ҳокимияти органи** ва **Давлат шериги-экология органининг** ҳақиқий, юридик кучга эга бўлган ва бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларини ифодалайди.

12.2. Хусусий шерикнинг ишонтириш ва кафолатлари

Битим тузилган сана ҳолатига ва унинг амал қилиш муддати давомида **Хусусий шерик** **Давлат шеригига** куйидагиларни тасдиклайди ва кафолатлайди:

Хусусий шерик Битимни имзолашга ва Битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга ваколатли, белгиланган тартибда таъсис этилган, тегишли тартибда рўйхатдан ўтган юридик шахс ҳисобланади,

ушбу Битимнинг тузилиши ва бажарилиши билан боғлик ҳар қандай келишув ва мажбуриятлар тартиб-коидалари еки Хусусий шерик фаолиятига тааллуқли норматив - хукукий ёки бошқа хужжатлар қонун талабларини бузмайди;

ушбу Битим Хусусий шерикнинг ҳақиқий, юридик кучга эга бўлган ва мажбурий бажарилиши лозим бўлган мажбуриятини ифодалайди;

Хусусий шерик тугатиши жараёнида ёки хавфи остида эмас ҳамда тўловга лаёқатсиз (банкрот) ёки лаёқатсизлик (банкрот) хавфи остида эмас;

Хусусий шерик Битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни кафолатлади ҳамда Битим шартларининг бир ёки бир нечтаси бажарилмаслиги учун мазкур Битим ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар эканлигини тасдиқлади;

Хусусий шерик Ўзбекистон Республикаси бюджети ёки бюджетдан ташкари жамғармаларига тўланиши лозим бўлган, ҳар қандай даражадаги соликлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорликка эга эмас;

Хусусий шерикнинг мансабдор шахслари фирибгарлик, коррупция, тил бириклиши, алдаш ёки ишончни сунистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказиш, жисмоний зўравонлик, инсон ҳастига зарар етказиш билан боғлиқ жиноят учун судланмаган ҳамда жорий йилда жинойи фаолияти учун тергов жараёнида эмас.

12.3. Кафолатларининг бузилиши оқибатлари

Ҳар бир Тараф мазкур Битимнинг 12.1 ва 12.3-бандларида келтирилган, бошқа Тараф кафолатларидан бирининг нотўғри, ноаник ёки чалкашликка олиб келиши натижасида етказилган ёки ишонтириш ва кафолатлар шартларини бузиш оқибатида юзага келган зарарлар, харажатлар ва бошқа қарз мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ундириш хукукига эга.

13. БИТИМНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Ушбу Битимни ўзгартериш ва бекор қилиш Тарафларнинг розилиги бўйича ёки енгид бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлари вужудга келганда Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат шериги-экология органи хусусий шерик билан келишувга кўра, мазкур битимнинг 2а, 2б-иловаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш хукукига эга бўлиб, буни Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширади ҳамда давлат шериги - давлат хокимят органига шунингдек, ваколатли давлат органига битимнинг ўзгартирилган ва тасдиқланган 2а ва 2б-иловаларини З иш қунида маълумот учун юбориши шарт.

Мазкур битимнинг 4.6 бандига мувофиқ амалга оширилиши кўзда тутилган инвестиция лойиҳаси параметрларига ўзгартеришлар киритиш унда белгиланган инвестиция миқдорини камайтирган ҳолда амалга ширилиши мумкин.

13.2. Ушбу Битимга барча ўзгартериш ва қўшимчалар қўшимча келишувлар тузиш оркали ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Бунда мазкур битимнинг 2а ва 2б-иловаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган ҳолларда қўшимча келишув қилиш талаб этилмайди.

13.3. Тарафлар келиші олмаган тақдирда, ушбу Битимга барча ўзгартериш ва құшимчалар кирииш ёки бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланған тартибда амалға оширилади.

13.4. Тарафлар қонун ҳужжатларида белгиланған тартибда Битимни бекор қилиш түғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақла.

13.5. Қуйидаги ҳолатларда Битимни бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилади:

Хусусий шерик фаолиятининг қонун ҳужжатларида белгиланған тартибда тўхтатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши;

ушбу Битимнинг 8.3-банди учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатларда Давлат шериги (давлат ҳокимияти органи ёки экология органи)нинг ташабbusи бўйича;

ўз фаолиятини тўхтатиш мақсади тўғрисида фаолиятнинг тўхтатилиши кутилаётган санадан уч ой олдин Давлат шериги (давлат ҳокимияти органи ва экология органи)ни хабардор қилган ҳолда, Хусусий шерикнинг ташабbusи билан.

13.6. Ушбу Битимни бекор қилиш ташабbusи билан чиққан Тараф иккинчи ва учинчи Тарафга бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали ёзма билдиришнома юборади.

13.7. Битим амал қилиш муддати тугаганидан кейин тугатилади. Бунда, Хусусий шерик томонидан ушбу Битимда назарда тутилган мажбуриятлар қониқарли бажарилган тақдирда, Битимнинг амал қилиш муддати Тарафларнинг келишуви бўйича қонун ҳужжатларида белгиланған муддатларга узайтирилиши мумкин.

14. СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР

14.1. Хавф-хатарларни инобатга олған ҳолда, суғурталашга зарурат бўлганлиги сабабли, Хусусий шерик қонунчиликда белгиланған тартибда ушбу Битимга мувофиқ унга берилган давлат мулкини суғургалайди.

15. ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР

15.1. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатлари Хусусий шерик томонидан амалға оширилади.

15.2. Тарафларнинг келишуви асосида:

курилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишлари учун битимлар тузиш муддатлари, курилишни молиялантириш манбалари, амалға ошириш жадваллари, курилишнинг бориши устидан техник назорат қилиш тартиби;

ДХШ обьектларидан фойдаланиши, унга техник хизмат кўрсатиш, уни лойиҳалаштириш, куриш, қайта куриш, таъмирлаш, модернизациялаш тартиби;

ДХШ обьектини куриш учун эскиз лойиҳавий таклиф ҳужжатлари;

таклиф этилаётган ДХШ лойиҳаси хисоб-китобларининг асосланганлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги ҳужжатлари ишлаб чиқилади

16. БИТИМ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

16.1. Ушбу Битим бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим бўлмаган дарижада бажарилган тақдирда, ушбу Битимнинг 9.1-бандига мувофиқ, битимнинг шартлари бажарилишини таъминлаш усувлари қўлланилади.

16.2. Ушбу Битимнинг 9.1-банди ижросидан катъий назар, Битим мажбуриятларини бузган Тараф:

бошқа тарафга ўзи етказган заарни коплади;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги конунда, бошқа конун хужжатларида ва ушбу битимда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Етказилган заарларга битим мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф килган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек агар иккинчи тараф битим мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар ва бошқалар киради.

16.3. Битимнинг амал қилиши муддати тўхтатилиши Тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

17. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

17.1. Ушбу Битим доирасида келиб чиқадиган низолар Тарафларнинг ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этилади.

17.2. Ушбу Битимда кўзда тутилган мажбуриятлар бузилган тақдирда, ушбу Битим бўйича хукуклари бузилган Тараф хукуклари бузилган кундан эътиборан 10 (ўн) календарь кун ичида бошқа Тарафга бузилишини бартараф этиш тўғрисида ёзма талабнома юбориши лозим. Тарафлар ёзма талабнома юборилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календарь куни ичида барча имкониятларни ишга солган ҳолда ушбу Битимда назарда тутилган мажбуриятларнинг бузилиш ҳолатини бартараф этиш тўғрисида келишиб олишга мажбурдир. Агар келишмовчилниклар 30 (ўттиз) календарь куни ичида бартараф этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17.3. Келишув билан ҳал этилмаган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

18. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

18.1. Давлат шериги (давлат ҳокимияти органи ва экология органи) ушбу Битим бўйича юзага келган камчиликлар, шунингдек, ДХШ лойихасини амалга оширишда оғишлар туфайли, агарда бундай оғишлар иқтисодий асослантирилган ва бажариш жадвалида йўл кўйилган ортда қолишларни ўрнини тўлдириш ва жарима санкцияларини тўлаш юзасидан Хусусий шерикнинг ёзма кафолатлари мавжуд бўлган холларда, Битимни бекор қилинмаслигини кафолатлади.

18.2. Тарафлар Битим бўйича хукукий муносабатларидаги хукукий холатига таъсир қиласидан барча ўзгаришлар (номи, рўйхатга олиш жойи, юридик шахснинг ташкилий-хукукий шакли, банкротлик тартиботи очилганлиги) тўғрисида ўзгаришлар рўй берган кундан бошлаб ўттиз кундан кечикмай иккинчи Тарафга хабар берадилар.

18.3. Ушбу Битим бир хил юридик кучга эга бўлган 4 (тўрт) асл нусхада ўзбек тилида тузилди. Бир нусхаси Давлат шериги – давлат ҳокимияти органида, иккинчи нусхаси Давлат шериги – экология органида, учинчи нусхаси – Хусусий шерикда ҳамда тўртинчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агенглигига сакланади.

19. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи”

“Давлат шериги – экология органи”

ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ

Бошкарма бошлиғи

(имзо, мухр)

(имзо, мухр)

“Хусусий шерик”

(тўлиқ номи)

X/p:

Рахбари: _____

(имзо, мухр)

**ТЕНДЕР ТАКЛІФЛАРНИҢ ТАҚДИМ ЭТИШ УЧУН СҮРОВ (2021 йыл ағасын)
ДХШ ассоциацияның чиқындыларни бөшкәртии лойихасы**

Илова 1:

*Машиның чиқындыларни тұрлашы ва олиб чиқыб кеттінің бүйінчалық хизметтердің күрсатушы
учун Хусусий шерикка бириктірілген худуддар*

Илова 2а:

Хусусий шерикка фойдаланушыга топшырылған давлат мүлкінінг рүйхаты

Илова 2б:

*Хусусий шерикка бұлып тұлғаны тартибидан сотиб олине шартты билан фойдаланушыга
топшырылған транспорт воситалары, машина ва механизмларнинг қыйыннатының үйлар
кесимидағы ТҮЛӨВ ЖАДВАЛЫ*

Илова 3:

*Машиның чиқындыларни тұрлашы ва олиб чиқыб кеттінің хизметтердің күрсатушы учун давлат-хусусий
шериктік тұргысынан 20 _____ ғодан “_____” датада _____ -сон битімге _____ -сон
қаттық машиның чиқындыларни тұрлашы ва олиб чиқыб кеттінің бүйінчалық бажарылған ишлар
дағылатномасы*

Илова 4:

*Қаттық машиның чиқындыларни тұрлашы ва олиб чиқыб кеттінің бүйінчалық бажарылған хизметтердің
негізгілерінің бағоламашы*

Илова 5:

*Хусусий шерик томонидан _____ тұмандарыда Давлат-шериктік шартлары
асосынан лоітиха давомида амалда ошириледігін битім шартлары (КРІлари) тұргысынан
маълумот*

ТЕНДЕР ТАКЛІФЛАРИНІ ТАҚДЫМ ЭТИШ ҮЧИН СУРОВ (2021 жыл август) ДХИ АСОСИДА МАЙНІН ЧИКІНДІГІЛДІРІНІ БОЛЫКАРПІНІ ЛОЙНХАСИ

202 йил __ __ __ __ __ даги
-сон Битимга I-илова

Маишний чикиндиларни түплаш ва олиб чикиб кетиш бүйича хизмат күрсатиш учун хусусий шерикка бириктириләтган худудлар

Изюх: жасадвалға бириктірілген жүдөуде хос да жарур бўлған қўшишлча маълумотлар киритилиши мумкин.

Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи

(лавозимн. Ф.И.О.)

(имзо ва мұхр)

Хусүсий шерик

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо ва муҳр)

ТЕНДЕР ТАКЛІФЛАРЫН ТАҚДИМ ЕТИШ УЧУН СУРОВ (2021 йыл августу)
ДХШ асосида мааний чыкындыларни башкартып лойихаси

202-йил “ ” даги
-сон Битимга 2а-илова

Хусусий шерикка фойдаланишга топширилаётган давлат мулкнинг рўйхати

1. Хусусий шерикка бўлиб тўлаш тартибида сотиб олиш шарти билан фойдаланишга топширилаётган транспорт воситалари, машина ва механизмлар

*Изоҳ: *) машина ва механизмлар учун.*

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНГА ТАКДИМ ЭТИШ УЧУН СҮРӨВ (2021 жыл айгусту)

2. Хусусий шерикка фойдаланишга топширилаётган давлат күчмас мулки

Изок: Жадвалда давлат мүлкүүсү хөс ва зарур бүлгөн қышынчча маълумоттар киритилиши мүмкүн.

3. Хусусий шерикка фойдаланишига топширилаётган бошқа моддий активлар

Т/р	Давлат мулкининг номи	Сони (дона)	Техник холати (яроқли/ яроқсиз)	Инвентарь раками	Фойдаланинга бериши		
					максади	шакли (бетараз/ижара)	муддати

Давлат шериги- экология органи

Φ.Η.Ο.)

(ИМЗО ВА МУНД)

Хусусий шерик

(ФИО)

(ИМЯ ВЪ МУХІ)

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРНИҢ ТАҚСИМ ОТЫЗ ҮЧҮН СҮРӨВ (2021 йыл ашыгы)
ДХШ ассоциацияның чынандыларни башкаратын лойиҳасы

202 йил " _____ даги
-сон битимга 2б-илова

Хұсусий шерікка бүліб тұлаш тартибида сотиб олиш шарты билан
фойдаланыш топширилдеган транспорт веолатары, машина ва механизмларнинг қыйматикиң йиллар кесимидаги
түрлөв ЖАДВАЛИ

Т/Р	Транспорт воситаларын, машина ва механизмдарынан	Давлат номери	Жамы түлөв сүйнелес	Шу жылдан берилген бүйірч						
				2021 йыл	2022 йыл	2023 йыл	2024 йыл	2025 йыл	2026 йыл	2027 йыл
1										
2										
3										
4										
5										
6										
7										
8										
9										
10										
11										
ЖАМЫ				0	0	0	0	0	0	0

Давлат шериги-
экология органи

(P.I.O.)

Хуяусий шерик

(Phi.H.O.)

202 ____ йил “____” ____ даги
____-сон Битимга З-илова

20 ____ йил “____” ____ даги ____-сон битимга ____-сон
каттиқ майшний чикндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш
бүйича бажарылган ишлар далолатномаси

Шахар (туман) _____

20 ____ йил “____” ____

Биз, күйида имзо
чекувчилар,

(Давлат экология құмітасининг ҳудудий органды)

хузуридаги Санигар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази бошлиғи

ва

(Ф.И.О.)

рахбари

(Хусусий шерик юридик шахснинг тұлық номи)

(Ф.И.О.)

ушбу далолатноманиң күйидегилар түгрисида туздик:

1. 20 ____ йил “____” ____ даги ____-сон Битимга мувофиқ хизмат күрсатувчи ташкилот томонидан унга бириктирилган ҳудудда 20 ____ йилнинг ____ ойда қаттиқ майшний чикндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бүйича ушбу далолатноманың 2-бандида күрсатылған ҳажмдаги хизматлар күрсатылды.

2. Қаттиқ майшний чикндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бүйича бажарылған ишлар:

T/p	Бириктирилған ҳудудлар	Катиовлар соли	Олиб чиқиб кетилған қаттиқ майшний чикндиларның қаймы (m ³)	Қаттиқ майшний чикндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бүйича бажарылған ишлар қийматы (ҚҚСНИ ҳисобға олмаган ҳолда)	Қаттиқ майшний чикндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бүйича бажарылған ишлар қийматы (ҚҚСНИ ҳисобға олған ҳолда)
I.					
...					

(хизмат күрсатувчи ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.)

(Санитар гозалаш хизматларини ташкил этиш маркази бошлиғининг Ф.И.О.)

(имзо ва мұн)

(имзо ва мұн)

202 йил " " дагы
-сон битимга 4-илова

Қаттық майший чиқиндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бүйича күрсатылған хизматтар натижадорлыгини баҳолаш

Қаттық маңызғынан чиқындыларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш 100 баллик шкаладан келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда куйидаги кўрсаткичлар бўйича қониқарсиз баҳо учун ҳар бир кўрсаткич бўйича муайян балл олиб ташланади.

1. Абонентларнинг маний чиқинидлари тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлардан қаноатланганилиги;

S=A/C*100, бунда:

S - 100 та абонентта түғри келадиган шикоятлар сони;

А - ҳисобот ойи учун шикоятлар сони;

С - абоненттар сони,

Бунда:

агар $3 \leq S < 10$ - 10 балл олиб ташланади;

агар $10 \leq S < 20$ - 15 балл олиб ташланади;

агар $S >= 20$ | 20 балл олиб ташланади.

2. Қаттық майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалларига риоя этилиши;
 $T=G/F$, бунда:

Т - тасдиқланған қатиовларнинг бир ойда бажарилиш коэффициенти;

G - бир ойда ҳақиқағда амалға оширилған қатиевлар сони;

F - бир ойға тасдиқланған қатиевлар сони.

— 11 —

агар $0.75 \leq \text{коэффициент} \leq 0.8$ - 15 балл олиб таңланады.

Агар $T \leq 0.75$ - 20 балл одиб ташланади.

[View All Products](#)

5. Еңбекди түзлөш шохоб-чазарларының холаты :
Р≡В/Д бушиа:

Р - тадаббарга

В - тарабдарға жауоб берудеги даражасы;

В «Биржевом» художнику предложили писать только картины умных сюжетов.

Вунда.
згој 0 1

ағар $0,9 < P \leq 1$ - 5 балл олиб ташланади,
ағар $0,7 \leq P \leq 0,9$ - 10 балл олиб ташланади.

ағар $0 < R \leq 1$ то балл оның тапшынади, ағар $R > 1$ то 15 балл оның тапшынади.

Агар Р<0,7 - 15 балл олиб ташланади.

4. Контейнерларнинг ҳолати*.

K=H/R, бұнда:

K - талабларға жавоб беріш даражасы;

H - талабларға жавоб берадиган контейнерлар сони;

R - бириктірілген ҳудуддагы контейнерларнинг умумий сони.

Бунда:

агар $0,9 \leq K < 1$ - 5 балл олиб ташланади;

агар $0,7 \leq K < 0,9$ - 10 балл олиб ташланади;

агар $K < 0,7$ - 15 балл олиб ташланади.

5. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши.

бигтадан үштегінде қолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузылиши аникланғанда – 20 балл олиб ташланади;

түрттадан бештегінде қолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузылиши аникланғанда – 25 балл олиб ташланади;

олтитадан алтында қолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузылиши аникланғанда – 30 балл олиб ташланади;

6. Күрсатылған хизматтар шариятадорлығы Санитар тозалаш маркази қарори бүйінча:

агар баллар үйгіндиси 40 баллдан камина ташкил қылса – қониқарсиз;

агар баллар үйгіндиси 40 баллдан 60 баллғачани (60 ҳам қўшилған ҳолда) ташкил қылса – паст;

агар баллар үйгіндиси 60 баллдан 80 баллғачани (80 ҳам қўшилған ҳолда) ташкил қылса – ўрта;

агар баллар үйгіндиси 80 баллдан 90 баллғачани (90 ҳам қўшилған ҳолда) ташкил қылса – етарли;

агар баллар үйгіндиси 90 баллдан 100 баллғачани (100 ҳам қўшилған ҳолда) ташкил қылса – қониқарлы деб эътироф этилади.

*) Бахолаш мазырлар Мажкамасынине 2018 жыл 2 октябрдеги 787-сон қароры билан тасдиқленганды. Санитария жиынтықтан тозалаши инфраструктурасы обьекттерини жоюлаштырыши ва улардан фойдаланыш ҳамда манияттың чиқиндерлерине билан бөлгүк нызкаларни амалга ошириши қоңдалары талабларидан келиб чиқып, амалга оширилады.

**ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНІГ ТАҚДИМ ЭТКІНІСІНІҢ СЫРОВ (2021 жыл ағасын)
ДХИІ АСОСИДА МАСИНИҢ ЧИКИНДІЛДІРІНІ БОШКАРЫП ЛОЙИХАСЫ**

2021 йыл ““” дагы
-сон Биттімгә 5-илювада

**Хусусий шериктөмөндан _____ тұмандарда Далат-шеріклик шартлары асосидеги лойиха давомыда амалға
опырыладыған біттім шартлары (КРІлар) түргисида Маълумот**

№	Күрсатмачылар	Бирлік	2020 жыл 1 наурыз хозжатыга	2021									
				2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030	
1	Кирилиздиган мемлекеттіктердің жамы міндері	Аты-Сұм											
2	Чиқинди ташуучи техникалардың олиш	дона											
3	Чиқинди кайта юқлаш станциясын (зетакада) курға	дона											
4	Чиқинди тұлғаш шахобчаларын куриш	дона											
5	Чиқинди ійнештік шахобчаларынн контейнерлердің білдірілілік жизнозаласы	дона											
6	Тариф ахоли истемелочилярға	Сұм/1 кипи үчүн 1 сыйға											
7	Тариф юридик шахарға	Сұм/1м³											
8	Ахолиниң чиқинди тоннада білдірілілік жағдайынан кемерілдік олыш	фонд (%) да											
9	Лойиха давомында яратыладыған яңғы тиң үріншілары	жинші											